

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ШАРҚ ФИЛОЛОГИЯСИ ВА ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ
ТУРКИЙ ТИЛЛАР КАФЕДРАСИ КАТТА ЎҚИТУВЧИСИ**

У.Лафасов

М А Қ О Л А

Мавзу: “ҚОРА” СЎЗИ АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ТАЛҚИНИДА

Аннотация - Мазкур мақолада “қора” сўзининг Абдулла Қодирий талқинидаги маънолари, ушбу сўзнинг мазмун ифодаси ҳамда тарихига эътибор қаратилади.

Тошкент – 2014

“Қора” сўзи Абдулла Қодирий талқинида

доцент **Урак Лафасов**
(ТошДШИ)

Буюк ёзувчимиз, ўзбек миллий романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий тилимиздаги ҳар қандай сўз ва бирикманинг ўзига хос мазмун жилосига алоҳида эътибор берган. Ёзувчи ҳар бир лисоний бирликни ўз ўрнида, кенг маънолар қамровида ишлата олган сўз санъаткоридир. Жумладан, **қора** сўзига адиб томонидан юкланган ифодалар шунчалик кўп ва сермаъноки, бунга биз фикримиз давомида амин бўламиз. **Қора** сўзининг Абдулла Қодирий талқинидаги маъноларига ўтишдан олдин, ушбу сўзнинг мазмун ифодаси ҳамда тарихига эътиборингизни қаратмоқчимиз.

“*Турклар тарихидан*” ривоятида: “... Шимол – **қора**. Туркларда Шимолнинг **қора** рангда тасаввур қилиниши ҳам тасодифий ҳодисалардан эмас. Афсонага кўра, Нух пайғамбар ўғилларига заминни бўлашиб берганда, Ёфасни шимол тарафга жўнатади. Ёфас Отил Ёйиқ сувларининг ёқасига бориб, икки юз йил умр кечириб, ўша жойларда вафот этади. Унинг тўнғич ўғли Турк ҳам шимолда вояга етган ...”¹ деб ёзилган.

Қора сўзининг туркий тилларда қўлланиш тарихи жуда қадимдан бошланади. Биз Ўрхун-Энасой битиклардан бошлашни лозим топдик.

1. “Тўнюкүк” битиктошида: **Қара қумуг (Қора қум), қара тер (қора тер)** ифодалари ишлатилган.
2. “Қултегин” ёдномасида: **Қара турғиз бодун (қара турғаш халқи), Қара кол (Қора кўл)** бирикмаси ва ном учрайди.
3. “Билга хоқон” битигида: **қара бадун (қора халқ), қара кисин (қара сувсар)** бирикмалари қўлланган.
4. “Ирқ битиги” ёдномасида: **қара қуш (бургут), қара торик (қора тўриқ от)** лисоний жумлалар ўз аксини топган.²

Маҳмуд Кошғарий ўзининг “Девону луғатит турк” асарида **қара эрук, қара этмас, қара яғ, қара манғиз, қара муқ, қара орум, қара қуш каби бирикмалар, Қара йилға, Қара қаш оғус** каби жой номларини ишлатган.³

Юқоридаги далиллардан кўринадики, **қара (қора)** сўзи тилимизда илгаридан қўлланган.

Севимли адибимиз Абдулла Қодирий туркий тиллар тарихини жуда яхши билган ва ўзининг “Ўткан кунлар” романида **қора** сўздан бутун воқеаларини **очувчи** ва **ёнувчи калит** сифатида фойдаланган. Яъни роман ана шу сўз ифодаси билан бошланади ва мазкур сўз ифодаси билан поёнига етади. Ёзувчи асарнинг бошланиш қисмида: “... *Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик, дейдилар. Шунга кўра мавзўни мозийдан, яқин ўткан кунлардан,*

¹ Асотир ва ривоятлар. –Т., “Ёш гвардия”, –1990. –21-бет.

² Н.Абдурахмонов. “Қадимги туркий матнлар юзасиданамалий машғулотлар”. –Самарқанд, “СамДУ” нашриёти, –2001. –12-19-бет; –43, 44, 57, 59-бетлар.

³ М.Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асари ва унинг туркий халқлар маданияти ҳамда жаҳон цивилизациясида тугган ўрни. Халқаро конференция материаллари. –Самарқанд, “СамДУ” нашриёти, –2002.

тарихимизнинг энг кирлик, **қора** кунлари бўлган кейинги “хон замонлари”дан белгуладим”⁴ – деб изоҳ берганлар.

Адиб романини шундай якунлайди: “Юсуфбек ҳожи хатми қуръон қилиб юртга ош берди, Ўзбек ойим **қора** кийиб таъзия очди”.⁵

Абдулла Қодирий ўта синчков, бетакрор истеъдод эгаси бўлганлиги боис, миллат тақдири тарихини шу биргина сўзда жамлаган.

Ёзувчи ишлатган **қора** сўзини такрорлари билан ҳисобласак, 71 марта учрайди. Адиб 45 жойда шу сўз иштирокида ўзига хос маъно ифодаларини берган. Абдулла Қодирий ўзбекнинг ижобий ва салбий қиёфасини **қора** сўзи ифодасида акс эттира билган.

1. **Ижобий қиёфа** тасвири: **қора қошлик, қора кўзлик, қора зулф, қора хол, қора кийиғ қошлар, қора оху кўзлар, нафис қора сочлар**. М.: Унинг **қора** зулфи пар ёстиқнинг турли томонига тартибсиз сурагда тўзғиб, қулоқ жинггила киприк остидаги тимқора кўзлари билан бир нуқтага тикилган-да, ниманидир бир нарсани кўрган каби ...⁶

2. **Салбий қиёфа** тасвири: **қора чўтир юзлик, қора танлик, қорамтил юзлик, қора чўтир киши**. М.: – Бу қандай Ҳомид, **қора чўтир киши эмасми?**⁷

Ёзувчи “**қора тикон**” жумласини берар экан, халқ оғзаки ижодидаги “Тоҳир ва Зухро” достонидаги воқеаларига ва Ҳомиднинг қоралигига ишора қилади ва шундай ёзади: Чунки менимча орадаги **қора тикон** супирилган эди.⁸

Абдулла Қодирий **қора** иштирокида тузилган кўшма сўз ва сўз бирикмаларидан кўп фойдаланган:

- 1) идиш номлари: *қора чирог, қора қумғон, қора мис баркаш;*
- 2) мато номлари: *қора мовут, қора атлас;*
- 3) ҳайвон номлари: *қора от, қора ит;*
- 4) жой номи: *Қорасарой;*
- 5) битишувли бирикмалар: *қора булут, қора ҳайкал, қора соқол, қора қон, қора кийим.*

Адиб **қора** сифатининг озайтирма ва кучайтирма маъноларидан ҳам усталик билан фойдаланган: **тимқора кўзлари, қоп-қора камон қошлар, қорамтил юзлик, ичи қорароқ бир йигит, қоб-қора ис.**

Ёзувчи **қора** сўздан ясалган феълларни ҳам ишлатган: чирк босиб **қорайган**, қош **қорайиб**, қоғоз **қоралаш**. М.: *Қош қорайиб, қоронғу тушаёзган эди*⁹.

Абдулла Қодирий услубида **қора** сўзининг кўчма маънолари ўзига хос жозиба касб этган:

1. **Қора** кун (машаққатли, оғир кун). М.: ... тарихимизнинг энг кирлик; **қора** кунлари бўлган кейинги “хон замонлари”дан белгуладим.

2. **Қора** чопон (шаҳарлик ўзбек). М.: Мен буларни сиз **қора** чопон фуқаром томонидан ўч учун ўлдирдим, ...

⁴ А.Қодирий. “Ўткан кунлар”. –Т.: “Шарк” нашриёти, –1995. –10-бет.

⁵ А.Қодирий. “Ўша китоб”. –377-бет.

⁶ А.Қодирий. “Ўша китоб”. –32-бет.

⁷ А.Қодирий. “Ўша китоб”. –227-бет.

⁸ А.Қодирий. “Ўша китоб”. –266-бет.

⁹ А.Қодирий. “Ўткан кунлар”. –Т.: “Шарк” нашриёти. –42-бет.

3. Оқ билан **қорани** ажрата олмаган (ноҳақликни билмаслик). М.: *Ўғлим, сен бир қадар оқ билан қорани ажрата оласан, ...*

4. Ичи **қорароқ** йигит (дили бузук йигит). М.: *Қўланса сўзлик, ичи қорароқ бир йигит эди, ...*

5. **Қора** воқиъа (машъум воқеа). М.: *Унинг кўнгил меваси бу кунги қора воқиъа билан қандай ўралиб, йўқолиб кеткан бўлса, ...*

6. **Қора** хаёл (кўрқинчли хаёл). М.: *Ана шу қора хаёл уни чиндан ёниб турган бир ўт ичига таилар ...*

7. **Қора** маънолик (машъум маъноли). М.: *... ўйлаб қараганда, ҳеч қандай қувончга йўл қўймаслик даражада қора маънолик эди.*

8. Қоғоз **қоралаш** (ёзиш). М.: *... ўша ўрда қабилдан бир тусда, бир услуб ва бир вусътада бўлганликдан бу ўринда яна қоғоз қоралаш ортиқчадир.*

9. Кўзининг оқу **қароси** (ёлғиз, ягона). М.: *Кўзининг оқу қароси, ёлғиз қизини махтовлик кўёвга бериб ...*¹⁰

Қодирий биргина ўринда форсча бирикмадан фойдаланган: сиёҳ бахт (бахти қаро, бахтсиз). М.: *Мен сиёҳ бахт дунёга келмаган бўлсам эди, ...*¹¹

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Абдулла Қодирий хассос адиб сифатида тилимизни, айниқса оғзаки сўзлашув нутқини жуда яхши билган. Шу боис ёзувчи қўллаган ҳар бир сўзнинг маъно қирралари хақида узоқ фикр билдириш имконияти мавжуд.

¹⁰ Илова қилинган мисоллар “Ўткан кунлар” романининг 10-39-91-189-283-301-114-78-бетларидан олинди.

¹¹ А.Қодирий. “Ўткан кунлар”. –214-бет.